


ISLAMONLINE.UZ

adabiyot

Абдурауф Фитрат



Ахмад Яссавий



Ахмад Яссавий тўғрисида матбуотимизда бир-икки йўла гаплар бўлуб ўтган эди. Лекин, улар курук махташлар ҳам анчагина фалсафалардан тўлдирилган; шунинг учун Ахмад Яссавийнинг хикматларини бўлгани каби тасвир килиб бериш хизматидан ожиз маколалар[1] эдилар. Ўзбек адабиёти тарихини ёзиб турганим муносабати билан Ахмад Яссавий билан анча машгул бўлушга тўғри келди. Мана шу машгулиятларнинг кискагина бир хулосасини «Маориф ва ўқитгучи» журналининг ўқитгучиларига арз этишни муносиб кўрдим.

Тасаввуф тўғрисида

Араб бўлмаган ўлкаларни дин исмидан истило этган арабларнинг диний ҳам миллий таассублари, махаллий дин, махаллий маданиятга каршу ислом исмидан каттиг курашлари, араб бўлмаган миллатларга гўр караб тахкир килишлари (айникса, умавийлар замонида) араб-халифат саройининг огир исрофли чикимлари, араб волийлари ҳам шунларнинг думлари бўлуб яшаган махаллий хонлар, бекларнинг огир талаблари остида халк, айникса, мустамлака халки сўнг даража эзилган эди. Мана шу эзилишдан тугулган умумий норозиликлар исломнинг то бурунги замонларидан бошлаб турли сиёсий, диний окимларга, мухолифатларга йўл очиб, шунларнинг кенгайишига сабаб бўлган. Мана шул мухолифат окимларининг энг каттаси, энг кенги ҳам жуда устаси ўзининг асосларини ислом таассуби остида эзилган махаллий эътикодлардан олиб майдонга чиккан тасаввуф окимидир.

Тасаввуф окимининг усталиги унинг секинлик билан, мухолифатни сездирмасдан юрушидадир. Жомий, Ибни Арабий, Абдулкарим халифа каби эътиборли тасаввуф мухаррирларининг кўрсатганларига кўра тасаввуфнинг турли даражалари, турли манзаралари бор (ёзиб турганим ўзбек адабиёти тарихида бу тўғрида муфассал маълумот бор)[2]. Юкорида деганим каби тасаввуф маслаги мустамлакачиларнинг махкумларга килган адолатсизликларидан ҳам бу адолатсизликнинг диний таассубга, динга таянганидан чикган акси таъсиридир. Шунинг учун тасаввуфнинг юкори погоналарида, юкори боскичларида диний таассубга, динга, шариъатга каршу унсурларнинг борлиги, кўблиги аникдир. Тасаввуф маслакига кирганлар биринчи боскичда исломнинг бутун хукмларига, ахлоқ, ибодат, эътикодга оид бўлган бутун дастурларини кабул килиб кирганлари холда сўнг боскичларга тўғри келгач буларнинг хаммасидан, ҳеч нарса сезмасдан узоклашиб коладилар. Киёмат, меърож, жаннат, жаханнам, тахорат, намоз каби ислом дастурларини таъвил киладилар, уларга ўзларича маъно берадилар. Бу ишлар шунча усталик билан борадирким, «мурид» охирги манзилга етканча каёкка бориб турганини сезмай колади.

Тасаввуф ислом ўлкасида то исломнинг бурунги асрларидан кўруна бошлаган. Хижрий иккинчи асрда Шакик Балхий, Иброхим Адхам каби машхур тасаввуф намояндалари Туркистон ўлкасида етиша бошлаган эдилар.

Яссавий ким бўлган?

Хижрий бешинчи асрда Эроннинг Хамадон шахрига якин бир ўрунда тугулган Юсуф Хамадоний деган бир одам диний илмларни ўрганиб, катта шухрат эгаси бўлгач, тасаввуфга ҳам берилган эди. Мана шул мулла-мутасаввиф Марв, Бухоро, Самаркент (Самарканд) шахарларида хонакохлар куруб шайхлик кила бошлайди. Бизнинг Ахмад

Яссавийимиз ҳам мана шул Юсуф Хамадонийнинг муриди, учунчи халфасидир. Ахмад Яссавий, бир ривоятга кўра Ясси (бугунги Туркистон) шахрида, бир ривоятга кўра Сайрамда тугулган. Унинг қачон тугулиши маълум эмас. Бирок вафотининг хижрий 562 да бўлганини ҳамда «Девони хикмат»идаги шу:

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб уммат бўлгай,
Неча йиллар юруб халкка хизмат қилгай —

байтини назарда тутиб, ҳар ҳолда унинг хижрий тўртинчи асрнинг иккинчи ярмнда тугулганига ҳукм қилиш мумкин.

Яссавийнинг отаси Шайх Иброҳим исми эшон бўлуб, унинг ёшлигида ўлган. Ятим қолган Яссавий у замоннинг машҳур шайхларидақ Арслонқобдан (бошланғич тарбия) олган. Арслонқоб ўлгандан кейин бизнинг Яссавий пир излаб Бухорога қелган, юқорида ёзганимиз Юсуф Хамадонийга учраб, шунга мурид бўлган. Юсуф Хамадоний ўлгандан сўнг учинчи халфаси бўлуб шайхлик қилган. Бир оздан сўнг Бухоро шайхлигини Юсуф Хамадонийнинг тўртунчи халфаси бўлган Абдуллоҳик Гиждувонийга топшириб, ўзи Яссавийга қайтган. Онда дала халқидан кўб мурид йиғиб, хонақоҳ очиб шайхлик қилган. Яссавийнинг форс адабиёти вазн ва услубида эмас, турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ёзгани мана шул Яссавийга қайтиб, дала халқидан муридлар тўплаганидан кейин бошланган бўлса керак. Яссавий олтмиш уч ёшига қирғач, хонақоҳда ер ости(дан) бир қиллақона қоздириб, шунга қирган ва дунёдан алоқасини қесган қаби қўрунуб шайхликни давом эттирган ҳам шунда ўлган. Вафоти хижрий 562 нчи йилдадир.

Хикматлари

Ахмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига «хикмат» унвони берилган, тўпланиб қитоб(нинг) шаклига қелтирилган. Бу қун орамизда бу қитобнинг бир қўб қўлёзма нусхалари бўлгани қаби Тошқент, Истанбул, Қозон шақарларида қосилган қосма нусхалари ҳам қўбдир.

Ахмад Яссавийнинг бу асари хижрий бешинчи-олтинчи асрнинг адабий бир емиши[3], яъни машҳур «Қутадғу билиг» қитобидан бир аср сўнгра «Хибат ул-хақойик» қитоби билан бир асрда ёзилмиш бўлгани учун адабиёт, айниқса, эл тарихимиз учун қатта аҳамиятлик асарларидан саналса керак эди. Хижрий бешинчи-олтинчи асрда ёзилган туркча асарларнинг озлигини қўзға олганимизда бу асарнинг қиймати яна ортган бўлур эди. Лекин бахтга қаршу маъсаланинг шу томони қутганимиздан бироз бошқачадир: «Девони хикмат»нинг бу қун маълум бўлган нусхаларининг қаммаси сўнг замонларда ёзилган нусхалардир.

Унинг Яссавий қамонига яқин бир қамонда ёзилган бир нусхаси майдонда йўқ. Бу қун «Девони хикмат»лардаги парча хақикатан Яссавийникими? Ундан сўнгра давом этган шогирдлари, муридлари унинг отига баъзи парчалар ёзиб тарқатмадиларми? Бу қун(ги) «Девони хикмат»нинг қаммаси, ҳеч бўлмақанда бир қисми сўнг қамонда етишқан мана шунақа шогирдларининг асарлари эмасми?

«Бу кун илм дунёсида маълум «Девони хикмат»ларни мана шундай шубхалар остига колдириш мумкин. «Девони хикмат»нинг Яссавий замонида якин бир замонда ёзилган бирор нусхаси топилмагунча, бу шубхаларни йўқотиш мумкин эмас. Бу шубхалар йўқолмагунча, маълум «Девони хикмат»ларни тил тарихи карашидан текширишдан илмий бир натижа чикмайди»[4].

Яссавийнинг таъсири

... Ўтган шоирлар, адиблар, сўфилар орасида Яссавий кадар ўз таъсирини кенгайтган бир кишини учратиш бўлмади. Ўрта Осиёнинг шайхлари, эшонлари Яссавийни ўзларига пир, устоз деб танийдилар. Ахмад Яссавийдан кейин унинг услубида шеър ёзмок турк шайхлари орасида «мўда» шаклига кирган. Булар услуб, вазн, мафкура ёгидан Яссавийни айнан таклид килиб «хикмат»лар ёзган ва бу хикматларни мачитларда «жаҳр»[5] кунларида ўқутганлар. Унинг маслагидан бўлган Мансур ота, Абдумалик ота, Тож хўжа, Саид ота, Сулаймон ота, Занги ота, Узун Хасан ота, Исмойил ота, Исхок ота, Садр ота, Бадр ота, Али шайх, Махдуд шайх, Камол шайх, Ходим шайх, Халил ота каби шайхлар, эхтимолким, шу йўлда хикматлар ёздилар. Лекин буларнинг асарлари бу кун майдонда колмаган. Ёлгуз хаким Сулаймон отанинг хикматлари машхурдир. Ахмад Яссавийни таъкиб этган[6] кишилардан бизга маълум бўлганларидан бири хижрий 1263 да вафот килган Азим Хўжадирким, хикматлари хижрий 1312 да Тошкентда «Хикмати эшони Азим Хўжа» унвони билан тош босмада босдирилгандир. «Девони хикмат»нинг Истанбул босмасида Юсуф Байзавий, Козон босмасида Кул Гариб тахаллуслари борким, булар Ахмад Яссавий мактабидан етишкан шоирлардир. Ёлгуз Ўрта Осиёда эмас, тоторлар орасида ҳам Яссавий билан унинг шогирдлари Сулаймон отанинг катта эътиборлари бўлган, уларнинг хикматлари халк орасида кўлдан-кўлга юруб ўқулган, хатто неча дафъалар босилиб таркатилган. Тоторлар орасида жуда машхур ва мўътабар бўлган «Бадавом»да Яссавий хикматларининг шакли кўруниб тургани каби Яссавий ҳам Сулаймон ота услубларида халк шеърлари ҳам бўлуб ўткан (Тотор адабиёти тарихи. Феўдализм даври. Иккинчи босма. А. Рахим, А. Азиз, б. 140). Озари(й)ларнинг машхур мутасаввиф шоирлари бўлган Сайид Имом Насимий, туркман халк шоири Махтумкулининг, усмонли халк мутасаввиф шоирларининг Ахмад Яссавийдан таъсирланганлари илм дунёсида маълумдир. Булардан охиригисини кенг бир шаклда изох килмок учун усмонли олими Кўпрулузода ўзининг китобини ёзиб чиқардиким, адабиётимизнинг тарихи билан кизиккан кишиларга мутолааси лозимдир[7]. Яссавий асарларининг бунча кенг доирада ёйилиб ўқулгани ҳам таклид этилгани, туркий халкларнинг оммаси аро хаёт ва онг томондан «бир турлилик»нинг давом этканига далил бўлса керак.

Яссавийнинг мухити

Яссавийнинг хижрий бешинчи асрнинг охирларида етишиб, олтинчи асрнинг охирларигача яшаганин юкорида кўрган эдик. Яссавийнинг мафкурасини очик кўриш учун Ўрта Осиёнинг хижрий бешинчи-олтинчи (милодий 11 нчи—12 нчи) асрлардаги холларининг хулосасини кискача тасвир этмак лозимдир.

Марказлари Бухорода бўлган сомонийлар ҳукумати хижрий 4-асрнинг яримларида кучсизлана бошлаган. Кашгардаги корахонийлар ҳукумати тез-тез Ўрта Осиёга хужумга киришкан, сомонийлар сулоласи тамом бўлгандан сўнг Ўрта Осиё корахонийлар томонидан идора этила бошланди. Шул кунларда Бухоро кашкарлик Иликхон кўлида бўлса ҳам унинг Самарканд, Кеш (Карши — Бехбудий)[8] ҳам Кўкон вилоятларидаги хокимияти ҳеч эди. Мунда ҳар бир волий ўзбошинча ишлар эди. Баъзан бу волийлардан тўрт-бешталари бирлашиб, Махмуд Газнавийдан ёрдам олиб, Иликхонга хужум қилар эдилар[9].

Корахоний сулоласи замонида ҳукмдор битта эмас эди. Кўчманчи, ярим кўчманчи халкларнинг ҳаммасида бўлганидек, корахонийлар ҳам бошда мухторияти кичкина вилоятларга бўлинган, сўнгралари булардан ҳар бири мустақил ўлкалар саналган, буларнинг ўзаро чегаралари тез-тез ўзгариб турган, кўбрак ўзаро урушлар билан ҳам машгул бўлганлар[10]. У замонлар корахонийлар мусулмон уругларидан эдилар. Булар мана шул холларда яшаганда «кофир» турклардан корахитойларнинг хужумларига ҳар вақт учраб келдилар. Милодий ўн иккинчи (хижрий олтинчи) асрда корахитойлар Ўрта Осиёни истило қилдилар. Корахитойлар ҳам истило қилганлари ўлкаларни маҳаллий феўдалларга топшириб, олий хокимиятинигина ўз қўлларида саклаган эдилар. 12-асрда Бухорода энг катта бой ва мулла бир оила ҳукум сурардиким, буларга «ал-Бурхон» ёхуд «садр»лар унвони берилган эди[11]. Булар бошда корахонийларга тобеъ эдилар. Корахитойлар келгач, «садр» Хисомутдин Умарни ўлдуруб, буларни ўзларига қаратган. Бу «садр»лар ҳукуматининг ёнида корахи-тойларнинг бир вакили турар эди. Бешинчи-олтинчи асрларда давом этган бу тортишмалар, жанжалларнинг зарари беклар, аслзода бойлар ҳам уларнинг куйруклари бўлганларга караганда кўбрак тубан синф, қора халк аталган оммага зарар берар эди. Узун сурган урушларда экин ерларнинг емирилиши, чорваларнинг ёйлоксиз қолиши, бир кўб кишиларнинг юридан хайдалиши, бир кўб оилаларнинг бошликсиз бўлуб қолишлари табиъийдир. Анча муддат бу холда қолган омманинг қайгуларга ботиб, хаётдан бешиб, қалин бир умидсизликка тушмаганлигини даъво қилиб бўлмайди.

Мафкураси

Мана бизнинг Ахмад Яссавийнинг адабий фаолияти шул жабрланиб, хаётдан бешиб, умидсизланган синф орасида бўлди. Яссавий жамиятнинг юкоридаги вокиалардан зарарланмаган, балки фойда қилгувчи беклар, оксуяқлар, аскар бошлиқлари ҳам шунларнинг куйруклари бўлиб яшаган мулла, эшонлар қаторида бўлмади; мазлум синфнинг орасида бўлди. Шуларнинг қайгулари билан йиглашга мажбур бўлди ҳам

йиглади. Яссавий у замоннинг хоким синфини айрим гурух унвонлари билан атаб, бир гурухнинг адресига каттиг сўкушлар такдим килади:

Дунё маним деганлар, жахон молин олганлар,
Каркас кушдек бўлубон ул харомга ботмишлар.
Мулла, муфти бўлганлар, нохак даъво килганлар,
Окни каро килганлар, ул томукка кирмишлар.

Кози-имом бўлганлар, нохак даъво килганлар,
Химор[12] янглиг бўлубон юк остида колмишлар.
Харом еган хокимлар, ришват олиб егонлар,
Ўз бармогин тишлабон кўркуб, куруб колмишлар,
Тотлиг тахтда ўлтурган туфрок аро ётмишлар.

* * *

Доми тасвир кўюб халкни йўлдан урдук,
Шайхлик килиб риё билан дўкон курдук.
Ишрат килиб шайтон бирла даврон сурдук,
Дийдорига сени не деб раво килсун.

* * *

Эшону шайх, хўжа, мулла дунё излар,
Ул сабабдин подшоҳларга ёлгон сўзлар.
Оят, хадис сўзин кўюб молни кўзлар,
(Хак йўлида харгиз меҳнат торткони йўк)[13].

* * *

Охир замон олимлари золим бўлди,
Хушомадни айткучилар олим бўлди.
Хакни айтган дарвишларга ганим бўлди,
Ажаб шумлик замоналар бўлди, дўстлар.

* * *

Подшоҳларда, вазирларда адолат йўк,
Дунё учун бир-бирига килмас шафкат.
Золимларга асир бўлуб колдим мано.
Ул сабабдин подшоҳ килур менга жафо.

* * *

Охир замон бўлгандир; подшоҳ золим бўлгандир,
Харом, шубха тўлгандир, хайрон колур Хўжахмад.

Яссавий замонининг эзилган йўқсул синфига «гариб, ятим, факир» унвонлари беради, ўзини уларнинг хомийси каби кўрсатишга тиришади:

Гариб, факир, ятимларнинг бошин силаб,
Кўнгли кагтиг халойиқдин кочдим мано.

* * *

Гариб, факир, ятимларни килгил шодмон,
Хулklar килиб азиз жонинг килгил курбон.

* * *

Гариб, факир, ятимларни хар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадин парвардигор.

Яссавийнинг бу мавзудаги парчалари орасида:

Ятимни кўрсангиз огритмангизлар,
Гарибни кўрсангиз дог этмангизлар.

Ятимлар бу жахонда хор экандир,
Гарибларнинг иши душвор экандир.

Гарибларнинг иши доим сулукдир,
Тирик эрмас, ятим мисли ўлукдир.

Хам:

Гарибларни кўрган ерда огритмангиз,
Ятимларга аччигланиб сўз котмангиз.
Заъиф кўруб, гарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда гарибликдек бало бўлмас

парчалари каби самимий, ёник фиғонлар хам бордир. Биз Яссавийнинг шу кадрини, албатта, такдир киламиз. Ёлғиз шу ёқдангина караганда унинг ўз замонидаги йўқсулларнинг кайгуларидан хабарли, улар учун йиғлаган, уларнинг душманларига сўкиш билан, насихат билан мурожаатлар килган бир йўқсуллар шоири каби кабул киламиз, албатта.

Лекин у қадар билан қолмасдан Яссавийнинг бошқа ёқларини хам текширишга мажбурмиз. Бир шоирни, айнуқса, Осиёнинг кенг бир қисмига таъсир килиб, 7 ярим асрдан бери яшаб келган — бир шоирни текширганда, масъалани бир ёкли кўймоқ — тўғри илмий бир натижа бермайди.

Йўқсуллар учун кайгуриб, уларнинг дардларини қуйламакчи бўлган Яссавий уларнинг қутулиш, нажот йўлларини хам излаганми, улар(га) қутулиш учун бир дастур, бир йўл кўрсатганми?

Албатта, кўрсатган! Кошки кўрсатмаган бўлса эди!

Кўлимиздаги «Девони хикмат» китобларининг Яссавий отидан килиб берганлари таълимот жамиятдаги охангсизликдан, адолатсизликдан кутулмок учун унинг кўрсаткан чоралари шу кадар ярамас, шунча зарарлидирки: унинг таълимотига чин кўнгулдан ишониб, самимий суратда эргашган бир миллат топилса эди, у миллатнинг дунёда «тирик экан ўзига гўр казмок» дан бошка бир вазифаси колмаган бўлур эди[14].

Яссавийнинг золимларга каршу камбагалларга берадиган насихатлари мана шу йўлдадир:

Золим агар жафо килса «Аллох» дегил,

Илкин очиб дуо айлаб бўйунсунгил.

«Хак» додингга етмас бўлса «гила» килгил[15],

«Хак»дин эшитиб бу сўзларни андим мано!

Ким хиндустонли Гандининг «яроксиз, куролсиз каршилик» деган шиорига жуда ўхшайди.

Ахмад Яссавий бу кадар билан колмайди. У хоким синфнинг адресига юкоридаги каттиг сўкушларни юбормок билан, камбагал синфни хаяжонга ке(л)тирган, кайнатгандек бўлгандан кейин фурсатнинг ганимат эканини англайди, камбагалларнинг шул чоқдаги рухий холатларидан фойдаланмокчи бўлуб, ўзига «мурид» килиб олиш планини куради. Гўё юкори табаканинг зулм-адолатсизликларига сабаб камбагалларнинг ўз гунохлари Худодан узоклашганларидир. Яссавий Худо томонидан вакил бўлуб, камбагалларга каратиб мана шундай дейди:

Сенга жазо яратганга ёлбормадинг,

«Аллох» дебон тунлар туриб игранмадинг.

Хакикатдан сўзлар айттим, эшитмадинг,

Золимларнинг илгин узун килдим мано!

Яссавий камбагал халкни ўзига мурид килиб олмок учун у кадар хирс кўрсатадики, юкоридаги сўзлари билан бу сўзлари орасида бўлган кенг, чукур мантиксизликни англамай колади ёки ўзини англамасликга солади[16].

Хакикатан, Яссавийнинг юкоридаги шикоят ва сўкушлари билан бу теран фикри орасида каттакон бир мантиксизлик бор. Бир киши туруб Яссавийга: «Модомики, феўдаллар хам уларнинг куйруклари томонидан камбагалларга килинган зулмлар Худонинг амри билан бўлар экан; модомики, Худо у зулмларни камбагалларнинг бошига «жазо» килиб юборган экан, «сен нега боя уларни шунча сўкуб ташладинг? Уларнинг гунохи йўк экан-ку!» — деб кўйса. Яссавийнинг хеч бир жавоб кайтара олмаслиги аниқдир. Лекин у замонларда Яссавийга хеч бир томондан мундай бир эътироз бўлмайди. Камбагаллар томонидан шундай эътироз бўла олмайди. Чунки у вақтларда уларнинг онглари бу масъалаларгача юксалмаган, феўдаллар, умуман, хоким табака хам бундай эътирозни килмок истамайди. Чунки Яссавийнинг бу мантиксизлиги унинг учун фойдалидир. Унинг Яссавийга у томонидан ёрдам килиши керак (шуни унутмайликки, бу мантиксизлик Яссавийгагина махсус эмас, Худога ишониб хар ишни ундан билган хар мўъмин бандага бу эътироз тегади). Яссавий ўзининг бу мантиксизлигига каршу хеч бир томондан эътироз бўлмаслигини билгани учун фурсатдан истифода колади. Ўзининг юкоридаги мантиксизлигидан ўзига кераклик натижалар чикаришга киришади. «Гариб эсанг,

Йўқсул, ятим, эзилган мазлум эсанг, мана шундай кил!» дейди.

«Зикр»ин айгил конлар оксин кўзларингдан,
«Хикмат» айгил дурлар томсин сўзларингдан —

дейдирким, бунинг очик маъноси менинг «халка»мга кириб хикматларимни эшитиб,
«жахр» кил демокдан бошка нарса эмасдир.

Сахарлари эрта туриб кон йиглагил,
«Пири мугон» этагини махкам туткил.
Хакка ошик бўлган бўлсанг жондин ўтгил (албатта, молдин хам)

Жондин кечган чин ошиклар урэн[17] бўлур.
Бу дунёда факирликда одат килган,
Хўрлик тортиб машаккатни рохат билган,
(Кул Хўжахмад!) яхшиларга хизмат килган,
Киёмат кун андог киши султон бўлур.

Бундаги «пири мугон» сўзидан мақсад, «пир, шайх, эшон» эканини айтишга хожат йўқ,
ўзи англашилади.

Демак, камбагал синф халиги золимларнинг зулмларини Худодан, ўзининг гунохларидан
кўради. Шунинг учун уларга бўйунсунади. Сахарлар туруб, конлар йиглаб «тавба килади,
хўрликка одат килади; факирликка каноат килади; машаккатларни рохат билади; пир
мугоннинг этакини махкам тутди (яъни Яссавийга мурид бўлади), бўлмаган жойдан
«тангри ишки» хам тўқуб чиқаради-да, шу билан яшайди!..

«Нўви платўнизм» фалсафасидан бизнинг тасаввуфга ўткан бу ишк масъаласи Яссавий
хикматларида жуда катта ўрин тутди. Хикматнинг лирика кисми тамоман шул тасаввуф
ишига бойлангандир.

Яссавийга кўра, бу ишкка берилиб, шу билан яшамок учун пирга инобат килиш, «пири
мугон»нинг этакини тутиш, албатта, лозим, чунки:

Килавузсиз биёбонда юрганлар,
Мухаббатнинг кадрини қачон билур?

Яссавий мана шу фикрини ҳаммага тақдим килади, унинг назарида:

Ишксизларнинг хам жони йўқ, хам имони.

Холбуки, яна, унга кўра, тасаввуф ишига берилгач, хаётдан алокани кесиш лозим:

Ошикларнинг суннатидир тирик ўлмак,
Окил ўлсанг гўристондан хабар олгил,
Мен хам шундог бўлурман деб ибрат олгил,
«Мавту кабла анта мавту»га амал килгил[18].

Мана сизга катъий бир дастур: «мавту кабла анта мавту» — «ўлимнингиздан бурун ўлингиз!..» Мана Ахмад Яссавий томонидан таклиф этилган «тангри ишки» нинг олиб борадиган жойи!

Ахмад Яссавий шу «дастур»га ўзининг амал килганини кўрсатмак учун кўб тиришади. Ўзини жуда кизик сўзлар билан тахкир килади:

Ўлганимда йигилиб уринг юзминг таёк,

* * *

Жанозамнинг оркасидан тошлар отинг,
Оёкимдан тутиб, судраб гўрга элтинг.
Хакка куллук килмадинг деб янчинг, тепинг, —

дейди. Яссавий ўлгандан кейин муридлари, албатта, шундай килмаганлар. Уни иззат, хурмат билан кўмганлар[19]. Ишнинг шундай бўлишини унинг ўзи билмаган эмас, билган. Бирок диндор, содда халкни кайнатмок, уларнинг ихлосини ортдирмок тилаги билан буларни айтади.

Ул юкоридаги «дастур»ига содик колганига бизни ишондирмок учун умрининг охирларида ер остига киради; хонакохида ер ости бир хужра коздиради, олтмиш учга киргандан сўнг шунга кириб гўё ташки дунё билан алокасини кесади, «ўлгандан бурун ўлади!..»

Шул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

* * *

Субхи содик душанбе кун ерга кирдим.

* * *

Шул сабабдин ер остига кирдим мано

деганлари шуни кўрсатади. Омма орасида «кудсий[20] бир эътибор козонган, даланинг содда элидан ўттуз-кирк минглаб кишини ўзига мурид килиб олгандан сўнг 63 ёшга кирган бир кишининг ер ости бир уй козиб, шунга кириб ўтуруши, унинг таъмин этилган хаётига зарра кадар халал бермайди. Хатто бу иш билан унинг эътибори ортади. Шуни кабул киламизким, у замонлар ташкилотдан, бирликдан, синфий онгдан махрум бўлган, эзилган, мазлум камбагалларга Яссавийнинг бу хикматлари бир оз тасалли берган, уларни овутгандир. Лекин масъалага хаёт нуктайи назаридан карайлик: бир ўлкада яшаган халкнинг хаммаси ё кўбчилиги Яссавийнинг шу таклифларини кабул килиб, ер ости чиллахоналари козиб, кириб ўтурганда шу ўлканинг хаёти нима бўлур эди!.. Яхшики, Яссавийга ишонганлар бу жинниликни килмаганлар, килмаганлари билан уларнинг мияларида бу ташвикотнинг ҳеч бир турли излари колмаган деб даъво килиб бўлмайди, албатта, колган. Тунов кунгача, хатто кисман бу кунгача хам, айникса, камбагалларимизнинг хаётга якинлашмасдан «ярим тарки дунё» вазиятида

яшаганларига Яссавий хам унинг муридларининг таъсирлари бўлмади, деб ким даъво кила олади?!

Тузук, Яссавийнинг тилга хизмати жуда каттадир. У мундан етти ярим аср бурун туркча шеърлар ёзган, камбагалларнинг дардларини куйлаган. Унинг асари тилимизнинг етти ярим асрдан колган бир нишонаси. У асар тилимизнинг етти ярим аср бурунги холларини, коидаларини кўрсатмак нуктасидан жуда мухимдир. Лекин бахтга каршу биз бу кун орамизда мавжуд босма, ёзма «Хикмат» нусхалари билан бу масъалага якинлаша олмаймиз. Юкорида айтганим каби Яссавийнинг хаётига якин замонларда ёзилган бир нусха «Девони хикмат» топилмагунча, биз Яссавий хикматларини тил тарихи карашидан текшира олмаймиз. Лекин унинг фикрлари, тирикчилик учун — тўгриси, ўлмак учун!.. халкка кўрсатган йўллари, буддизмдан олиб бизга ютдирмок истадиги дастурлар(и) катъиян, айникса, йигирманчи асрда зарарлидир.

Унинг таъсирига каршу курашмак инкилоб карашидан, халкимизни хаётга аралаштириш карашидан жуда хам лозим.

Яссавийда тасаввуфнинг даражаси

Маколамиздаги бахсларнинг робитасини, богини йўкотмаслик учун юкорида тасаввуф тўгрисидаги мукаддимамизни кискача такрорлаб ўтайлик: Ислолда тасаввуф мустамлакачи арабларнинг мустамлака аристократлари билан бирлашиб, айникса, мустамлака халкани эзишларидан ва бу эзишларнинг ислоний хам араблик таассубига таянганидан чикган бир акси таъсирдир. Шунинг учун тасаввуфда ислонийга каршу унсурларнинг бўлуши табиийдир. Лекин бу унсурлар маслакга янги кирган кишиларга берилмаган, тасаввуфни даражаларга, боскичларга таксим килиб, биринчи боскичда ислонийнинг амирларига тамоман содик колишни шарт этканлар.

«Мурид» бу боскичлардан юкори чикган сайин ислоний асослардан узоклашиб борган, унинг назарида дин, шариат, ибодатнинг ахамияти колмай бошлагандир. Масалан, теран бир мутасаввиф Абдулкодир Бедил динларнинг каъбаси билан бутхонасини бир-бирларининг ёнига кўйуб сўкади:

Гахе ба каъба мадаваму гах ба суйи деббар,
Девонаям зи-хар тарафан санг мезанад...
Каъбаву бутхона накши маркази тахкик нест,
Хар кўжо гум гашт дахе сар манзеле орастеанд[21]

дейди. Машхур тасаввуф шоирларидан Файзий Хиндий эса:

Бар фату йил рухбан кадухи бода бекушим
Исин хийлаки рийи футахар анашеноским[22]

деб кичкиради. Хижрий 297 да дорга осилган Мансур Халложнинг вокеаси маълумдир.

Тузук, Яссавий хикматлари орасида Мансур Халложга багишлаб ёзилган бир-икки парча бор, унда:

Эсиз Мансур хўрлик бирла бўлди адо,
Бир сўз бирла ёронлардин бўлди жудо —

деб кайгуради.

Шох Мансурнинг «Анал хак»и бежо эмас,
Йўлни топкон, бизлар каби гумрох эмас,
Хар ножинслар бу сўзлардаи огох эмас.

* * *

Анал хакни маъносини билмас нодон

деб Мансур Халложни оклайди ҳам унинг душманлари бўлган, уни кофир деб остирган шариъат муллаларини сўкади. Яна Мансур Халлож воқеасига ба(ги)шланган бир парчада:

Афсонадир шариат, фарзонадир тарикат,
Дурдонадир хакикат ошиқларга муносиб

дегани каби бошка бир хикматида:

Шариатдир ошиқларнинг афсонаси

деб тасаввуф карашида шариатнинг бир афсонадан бошка нарса бўлмаганини такрорланди. Лекин, бундай сўлликлар Ахмад Яссавийда, умуман, оздир. Кўрсатганимиз мисоллардан бошкаси йўк.

Шунинг билан баробар ул меърожга ишонади; жаннат, жаханнамга ишонади, одамларни охират азоблари билан кўркутади, намоз ўқуйди, рўза туттади:

Рўза намоз казо килиб бўлди кохил[23],

деб ўкунади.

Киёматни шиддатидан аклим хайрон,
Сирот отлиг кўпруғидин танам ларзон,

деб вахималар таркатади.

Демак: Ахмад Яссавий сўфилар каби таъвилга ёношмайди[24]. Ислолда бўлган нарсаларнинг хаммасини бўлган(и) каби қабул қилади. У юкори босқичдаги мутасаввифлардан эмас, зоҳиддир[25].

Адабий киймати

Ахмад Яссавий бизнинг халк шоирларимиз каби мукамал тахсил кўрмаган бнр киши эмас. У бошлангич тарбияни Яссида Арслонбобдан олгандан кейин Самарканд, Бухорога келиб тахсил килган. Шайх Юсуф Хамадоний каби ўз замонининг энг катта дин олими, энг улуг шайхи бўлган бир кишига шогирд бўлган хам унинг учунчи халфаси бўлуб олган. «Хикмат»даги шеърларга ишонилса, Яссавийнинг Хуросон, Ирок, Шом каби у замоннинг машхур илмий марказларига хам бориб тургани англашилади:

Хуросону Шому Ирок ният килиб,
Гарибликни кўб кадрили билдим мано.

Шунинг учундирким, Яссавийнинг ўз замонида мўътабар бўлган илмларни, адабиёт коидаларини жуда чайнаган бир киши бўлганига хукм килмок янглиш бўлуб чикмайди. Шундай бўлса хам унинг адабиётда тутган йўли сода халк шоирларимизнинг тутган йўллари дир. Унда Навоийнинг ингичка истиоралари, Бобирнинг форсча ёнишлари йўқ дир. Унинг хикматлари вазнда, кофияда, услубда халк адабиётн аталган шеърлар билан баробар юради. Халк адабиётимиздаги дostonлар кисмининг «Киссаи Иброхим Адхам», «Достони Зайн ул-араб»[26] каби мавзуъ эътибори билан мукулмонлиглари бор. Ахмад Яссавийнинг хикматидаги «лиризм» (юракчилик) улардаги «лиризм»дан кучсизрак дир. Масалан, «Достони Зайн ул-араб» даги шул:

Сал чекгунча хижрон жавру жафосин,
Ман нега курбонинг бўлмадим сани?
Сан кўргунча зиндон дарду балосин,
Ман нега курбонинг бўлмадим сани?

парчаси борким, кучли «лирик» бир парча дир.

Ахмад Яссавийнинг хикматларида эса, шундай кучли парчаларга учраб бўлмайди.

Шундай бўлса хам Ахмад Яссавий «лирик» бир шоир дир. Унда хам «Яссавийнинг мафкуриси» бахсида кўрсатганим:

Ятимлар бу жахонда хор экандир,
Гарибларни(нг) иши душвор экандир.
Гарибларни(нг) иши доим сўлук дир,
Тирик эрмас ятим мисли ўлук дир.

каби самимий, ёник фигонлар йўк эмас, бор дир.

Макола матни «Маориф ва ўкитгучи» журналининг 1927 йил 6-сонн (29—35-бетлар) хамда 7—8 (бир мукова остида, 39—44-бетлар) соннда эълон этилтан, ана шу манба бўйича нашрга тайерланган. Кейингн йилларда ушбу маколанинг катор кайта нашрлари амалга оширилди; Фитрат. Ахмад Яссавий, «Санъат» ж., 1991, 8-сон (нашрга тайёрловчи

С, Ахмедов), Яна китобда: Яссавий ким эди? —Т. Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1994. Б 18—33 (нашр муаллифи Б. Дўстқораев).

[1] Фитрат бу ўринда куйидаги мақола ва тадқиқотларни назарда тутди: А. Саъдий. Яссавий ким эди? «Инкилоб» ж., 1922, 5-сон; А. Саъдий. Имом Газзолий. «Инкилоб» ж., 1922, 6, 7, 8 ва 9—10-сон.

[2] «Ўзбек адабиёти намуналари» хақида фикр юритилган. Унда жумладан, шундай ёзилган: «Биламиз; яссавийлар тасаввуф вакиллари. Тасаввуфнинг Ахмад Яссавийдан бурун ҳам Ўрта Осиёда борлиги маълум. Бирок тасаввуф маслаги Ўрта Осиёда Ахмад Яссавий билан Абдуҳолик Гиждувонийга эргашиб иккига ажралди: бири Абдуҳолик Гиждувонийга мансуб оқим бўлиб, иккинчиси Ахмад Яссавийга мансуб оқимдир. Яссавий оқими далада яшаган кўчманчи халқлар орасида иш кўрган. Бу икки оқим тасаввуф орасида анчагина рақобат туйғуларининг ҳукм сургани «манокиб» китобларидан маълум бўлади» (Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд, Тошкент — Самарканд, 1928, 74—75-бетлар).

[3] Емиши — меваси.

[4] Тирнок орасидаги сўзлар прўфессўр Кўпрулузоданинг фикри бўлиб, жуда тўғридир — Ф(итрат).

[5] «Жаҳр» сўзининг лугавий маъноси «ошқора», «овоз чиқармок» бўлиб, зикр (садр) тушиш жараёнида ошқора, баланд овозда Аллохнинг номи тилга олинади ва турли ҳаракатлар билан қалб тозаланади. Бу сўз ҳозирги ўринда «яссавия» тарикатининг иккинчи номи сифатида тилга олинмокдаки, нақшбандийлар уларга қарши ўларок зикри пинхон ёки қалб зикри билан шугулланганлар.

[6] Яссавийнинг хикматларини таъкиб этган, демокчи, «хикматларини» сўзи тушиб қолган. Таъкиб этмок — эргашмок.

[7] Фитрат тавсия этаётган китоб Туркияда саккиз марта нашр этилган бўлиб, сўнги нашрига қаранг: Проф., доктор Фуод Кўпрулу, Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-боски. (Нашрга тапёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Кўпрулу Анкара. 1993, 415-б.)

[8] Қарши — Бехбудий деб юритилишининг сабаби Қарши шаҳри улуг аллома ўша ерда қатл қилинган учун 1920 йилдан 1937 йилга қадар бу шаҳар Махмудхўжа Бехбудий номи билан юритилган.

[9] Вамберининг «Бухоро тарихи». Фотих Қаримий таржимаси, ж. I.

[10] Бартольд. Туркистон тарпхи. Фотих Қаримий таржимаси, 36-б.

[11] «Садр» сўзининг лугавий маъноси «бош бўлмок» ёки «бошлик» бўлиб, тасаввуфда шайхлардан кейинги мартаба ҳисобланган. Бу ўринда Бухородаги ал-Бурхон, яъни бурхонийлар хонадонига нисбатан қўлланилган. Бу оила Бухорони идора қилаётган мўътабар хонадон саналиб, бирор босқинчи уларга тегмаган. Унинг асосчиси, «Китоби муллазода»да кўрсатилишича, Абдулазиз ибн Умар бўлиб, бурхонийлар ёки «садр» унвони уларга салжукий ҳукмдори Султон Санжар томонидан берилган.

[12] Химор — эшак демақдир.

[13] Бу сатр Фитратнинг мақоласида нимагадир тушиб қолдирилган. Қамол Эраслоннинг 1983 йили Анкарада чоп этилган «Девони хикматдан сочмалар» китобидан олиб парча тўлдирилди. Киёслаш учун қаранг: Ахмад Яссавий. Хикматлар. Гафур Гулом номидаги

- нашриёт, Т., 1991. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Иброхим Хаккул.
- [14] Макола иккинчи кисмининг услубидан сезиладики, унда айрим фикрларнинг баёни аввалги сондагига нисбатан кескинрок айтилган, хатто уларга зид келиши ҳам мумкин. Фитрат замондошларининг хотирлашича, маколанинг дастлабки кисми эълон этилгандан сўнг, олим таъкиб этилган ва унга «Яссавийни марксистик установкада туриб текшириш» таклиф килинган. Шунинг учун айти шу ердан бошланаётган катор мунозарали фикрларни тўғри қабул қилмоқ керакка ўхшайди.
- [15] Гила қилмоқ — шиква, яъни шикоят қилмоқдир. (Гиёсул лугот, Душанбе, «Адиб», 1987, жилд 2, сах. 197).
- [16] Яссавий хикматларида бири иккинчисини рад этадиган фикрлар бўлиши табиий. Чунки, бизгача асарнинг асл матни етиб келмаган, у 17-асрга нисбатан оғзаки равишда оғиздан оғизга кўчгани учун ҳам бундай зид фикрларни кузатиш мумкин. Бирок Фитрат негадир уни мантиксизлик деб атайди. Айти шу фикрни Фитратнинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкинки, бир ўринда шоирнинг айти фикрларини ёқтирса, кейинрок уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлади. Бунинг сабабини Фитратга буюрилган «марксистик установка»дан излаш керакмикин?
- [17] Урён — ялангоч.
- [18] «Мавту қабла анта мавту», яъни «ўлмасдан бурун ўлмоқ». Яссавий таклиф этган бу дастурни Жалолиддин Румий шундай шарҳлайди: «Ўлимга юз бургили пардани чок эт. Лекин лаҳадга элтувчи ўлимнимас, янги рух тугдирувчи ўлимни танла». Қаранг: Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тошкент, 1986 (русчадан Жамол Камол таржимаси).
- [19] Яссавий ўлгандан кейин... хурмат билан кўмганлар. Гарчи тарихий воқеа бу айтилганга зид келса ҳам, Фитрат бунда қаршилантириш усули орқали «кўммоқчи бўлганлар» ўрнига «кўмганлар», деб айтмоқда.
- [20] Қудс — муқаддас, пок. Бу ўринда поклик билан ном қозонган, муқаддас деб тан олинган маънода ишлатилган. «Қудс» сўзининг иккинчи маъноси «эшитилган», «қўз билан қўрилган»га қарши «эшитилган» маъноси ҳам бор.
- [21] Бедилнинг ушбу байтини Фитрат «Бедил (Бир мажлисда)» рисоласида шундай шарҳлайди: «Ҳақиқатни Қабба билан бутхонадан излаб, унга-бунга югуриб юрганларни ҳар ёқдан тош билан урилмоқда бўлган девоналарга ўхшатадир. Қаббаси-да, бутхонаси-да ҳақиқат уйлари эмас, йўлчилар қаерда йўли адашган бўлсалар, шунда бир манзил ясаб кетганлар», Фитрат. «Бедил (Бир мажлисда)» Т., Абдулла Қодирий номпадагн Халқ мероси нашриёти, 1996, 23-б. (нашрга тайёрловчи Х. Болтабоев).
- [22] Файзий Хиндий — Акбаршоҳ даврида яшаган форсигўй тасаввуф шоири. Бу шоир ҳақида ушбу манбага қаранг: Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. I, М., 1989, 60-б.
- [23] Қохил — суст, бўш, танбал.
- [24] Таъвилга ёвдошмайди ёки тахвилга ёндошмайди, яъни нарсаларни ўзгартириб қабул қилмайди, рамзий-тимсолий маъно бермайди.
- [25] Зоҳид — дунё ишларидан воз кечиб, такво йўлига қирган киши.
- [26] «Достони Зайн ул-араб» — Шарқда машҳур «Жангномайи Имом Ханифа» сюжети, асосан, мана шу дoston воқеасидандир. «Зайн ул-араб» мавзусида дoston ёзган ўзбек шоирлари орасида Нурмухаммад Андалиб ва Собир Санқалий Хисорий (1730—1798) қабилар бор. Қуйида қелтиралажак парча Андалиб дostonидан олинган.

Манба